

Эҳтиёжмни Аллоҳга айтганман



07:10 / 03.05.2019 2441

Замъа ибн Солиҳ айтади: «Бану Умайялик бир бой киши Абу Ҳозимдан ўз эҳтиёжларини айтишни илтимос қилиб, мактуб юборди. Унинг мақсади Абу Ҳозим бирор нарсага муҳтож бўлса, ҳожатини чиқариш эди. Абу Ҳозим унга жавобан шундай хат ёзди: «Эҳтиёжларимни айтишни илтимос қилиб ёзган мактубинг менга етиб келди. Мен ҳожатларимни асло бировга айтмайман, чунки эҳтиёжларни ортга сурмайдиган Зотга барча эҳтиёжларимни айтиб бўлганман. Роббим азза ва жалла менга нима берса, қабул қиламан, бермай турса, қаноат қиламан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан